

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти

Информатика ва ахборот технологиялари
кафедраси

С++ ТИЛИДА ЯРАТИЛГАН “ЕНГИЛ АТЛЕТИКА” ДАСТУРИДАН ИМКОНИЯТЛАРИ

Толаметов Абдужалил Абдужапарович

Абдужапарова Моҳира Абдужалил қизи

I

2016.10

Тошкент

C++ ТИЛИДА ЯРАТИЛГАН “ЕНГИЛ АТЛЕТИКА” ДАСТУРИДАН ИМКОНИЯТЛАРИ

Толаметов А.А., ЎзДЖТИ

Абдужапарова М.А., ЎзДЖТИ талаба

Ахборот технологияларини жисмоний тарбия ва спортга соҳасига тадбиқ этиш, биринчи навбатда, ушбу фаолият билан бевосита боғлиқ бўлган ахборот тизимларини яратиш йўли билан ривожланиб бормоқда. Оммавий спорт ҳамда жисмоний тарбия ва спортда спортчиларни тайёрлаш босқичларида ўқув тренировка юкламаларини, спортчилар кўрсатган натижаларни математик - статистика услублари ёрдамида таҳлил қилиш тренер ва мураббийлардан катта вақт ва меҳнат талаб қилади. Замонавий амалий-тадбиқий компьютер дастурлари орқали ахборот технологияларини қўллаш билан спортчиларнинг тренировка юкламаларини, кўрсаткичларини ўлчаш натижаларини назорат қилиш ва аниқлашга катта ёрдам берадиган компьютер дастурларини яратиш талаби ортиб бормоқда. Бунинг натижасида айрим сермеҳнат ва такрорланувчи амалларни бажарилишини компьютерга юклатиши ва уларни бажариш усул ва воситаларининг яратилиши жуда кўп маълумотларни тез «кўриб чиқиш»ни, жуда оз вақт давомида улкан ҳажмдаги материаллар таҳлилини катта аниқликдаги маълумотлар кўринишида ифодалаш зарурати пайдо бўлади.

Шу нарса аниқланди-ки, ҳозир ахборот технологияларини енгил атлетикага тадбиқ қилиш мумкин, масалан енгил атлетика билан шуғулланувчи спортчиларнинг жисмоний тайёргарлик кўрсаткичларини ҳисоблаш ишларини компьютерлар орқали бажарилиши аниқ маълумотларни олишга имкон беради.

Танланган спорт тури бўйича спортчиларни танлаб олиш, уларга керакли материаллардан шу спортга оид машғулотларда қандай фойдаланиш мумкинлигини кўрсатиш.

Спорт тури бўйича керакли маълумотларни бевосита спортчилар ёрдамида олиш ва бу маълумотлар асосида жадваллар тузиш.

Тренировка машғулотида тренер-педагоглар томонидан танланган гуруҳ спортчилари учун саралаш ўтказилади ва олинган натижаларни тезкор таҳлил қилиш имкониятини яратди.

Олинган маълумотларни жадваллар, математик моделлар ва чизмалар асосида аниқ тасаввурга эга бўлишида компьютерга киритилган маълумотлар катта ёрдам беради. Бунда ҳар бир математик модель берилган спортчининг кўрсаткичи шаклида қабул қилинади. Бу кўрсаткичлар қанча кўп бўлса уларни орасидан энг яхшисини танлаб олиш шунча қулай бўлади.

Енгил атлетикачиларнинг жисмоний тайёргарлик кўрсаткичларини тренер-педагоглар чуқур назорат қилиш асосида тўплаш. Бунда ҳеч қандай кўзбўямачиликларга йўл қўйилиши мумкин эмас. Кўрсаткичларни бир неча тренер- педагоглар назорати остида йиғилди.


Енгил атлетикачилар жисмоний тайёргарлик кўрсаткичлари компьютер ёрдамида қайта ишланиб, энг яхши кўрсаткич жуда қисқа вақт давомида аниқланади. Бу кўрсаткич компьютер дастурига эталон шаклида киритилган энг яхши кўрсаткич билан солиштирилади ва баҳоланади. Натижада берилган яхши кўрсаткичга эга бўлиши мумкин бўлган спортчи аниқланади. Бу спортчи компьютернинг «резерв» жамланмасига жойлаштирилади.

Енгил атлетика мусобақалари ташкил қилишни режалаштириш жараёнида «заҳирадаги-резерв» спортчиларни саралаш осонлик билан амалга оширилади ва мусобақаларига йўлланма берилади.

Енгил атлетикачиларнинг жисмоний тайёргарлиги ҳақидаги маълумотларини янги ахборот технологиялари ёрдамида танлаш қатор афзалликларга эга бўлиб, ҳеч қандай пала-партишликларга йўл қўймайди ҳамда енгил атлетикачи имкониятларини аниқ кўрсатиб беради.

Енгил атлетикачиларни жисмоний тайёргарлиги даражаси ва уни янада такомиллаштириш усуллари ва воситалари ҳақидаги маълумотларни

жамлаш, умумлаштириш ва уларни қайта ишлаш, таҳлил қилиш жараёнида тренер-педагоглар томонидан компьютердан кенг фойдаланиш имкониятини яратади.



Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилиш чоратадбирлари тўғрисидаги” ПҚ-1533-сон қарори.
2. Толаметов А.А., Нурмухамедов А.М., Махаров Т.А., «Ахборат технологиялари», 2008 йил. УзДЖТИ
3. Nazirov Sh.A., Qobulov R.V. Nuraliev F.M. Ob'ektga mo'ljallangan dasturlash Web- sahifalarni dasturlash O'quv qo'llanma. Toshkent, 2007. Издательско-полиграфический творческий дом им. Ипак Шарк.